
ЭЪЛОН! Ўзбекистон туманилик абитуриентлар дикқатига!
Эртага, 2 сентябрдан бошлаб республикамизнинг барча ҳудудларида, жумладан Фарғона вилоятида ҳам Олий таълим муассасаларига кириш учун тест синовлари бошланади. Тест синовлари Фарғона вилоятида 6 та ўйингоҳларда ўтказилиши белгиланган.

Карантин даврида абитуриентларга қулайлик яратиш мақсадида вилоят худудида автобуслар ташкил этилган.

Шу жумладан, Ўзбекистон туманида яшовчи абитуриентлар учун **Қўқон шаҳридаги марказий ўйингоҳ**да бўлиб ўтадиган тест синовларига етиб бориш учун бепул автобуслар қатнови қўйилган.

Автобуслар ҳаракати туман маркази, **Яйпан шаҳридаги Автошоҳбекат**дан 1-сменада тест топширувчилар учун эрталаб **соат 05-00** дан, 2-сменада тест топширувчилар учун эса **соат 14-00** дан бошланади.

Барча абитуриентларга имтиҳонларни муваффақиятли топшириб олишларида омад ва зафарлар тилаймиз!

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-09-01 22:42:15